Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилоят
ҲОКИМИ

ХОКИМ
Самаркандской области
Республики Узбекистан

# ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

7 йил „16" апрель №78-Қ

*Ўзбекистон Республикасидаги "Алоқаинвест" ҳиссадорлик жамиятига алоқа узатиш тармоқлари қурилишларини лойиҳалаш ва қуриш учун ер танлаш ва ажратиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 июндаги 304 рақамли қарорига асосан "Алоқаинвест" ҳиссадорлик жамиятига Самарқанд вилояти худудида алоқа узатиш тармоқларини янгидан қурилишини лойиҳалаш ва қуриш учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. "Алоқаинвест" ҳиссадорлик жамиятига алоқа узатиш тармоқлари қурилишини лойиҳалаш ва қуриш учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисидаги Самарқанд туман ҳокимининг 1996 йил 19 сентябрдаги 510-қ рақамли, Паст Дарғом туман ҳокимининг 1996 йил 12 сентябрдаги 288-1/9 рақамли, Гузалкент туман ҳокимининг 1996 йил 25 октябрдаги 303-қ рақамли, Каттақўрғон туман ҳокимининг 1996 йил 25 октябрдаги 263/10-қ рақамли, Нарпай туман ҳокимининг 1996 йил 21 декабрдаги 411-қ рақамли, Пахтачи туман ҳокимининг 1996 йил 21 декабрдаги 408-қ рақамли, Нуробод туман ҳокимининг 1996 йил 13 сентябрдаги 312-қ рақамли қарорлари ҳамда шу масала юзасидан 1997 йил 17 февралдаги вилоят ер танлаш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Алоқа тармоқлари қурилиши даврида вақтинча фойдаланиш учун ажратилаётган ерларнинг турлари ва хўжаликлар номлари 1 иловага асосан тасдиқлансин.

3. "Алоқаинвест" ҳиссадорлик жамиятига алоқа тармоқларини қуриш даврида кесиладиган мевали дарахтлар ва бузиладиган кўп йиллик экинлар учун келтирилган зарарлар нархи ва хўжаликларнинг номлари 2 иловага асосан тўлаш топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари И. Усмоновга юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **А.МАРДИЕВ**

м. 1992 г. Самарканд тип. им. Морозова 3399 - 10000